

11-01/64-son

5 iyun 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган аппарат йиғилиши

**БАЁНИ**

2025 йил 3 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш** (*edo.ijro.uz* платформасидаги назоратдаги ҳужжатлар ҳамда олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси);

**2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш**, Давлат Раҳбарининг 2025 йил 6 мартдаги **Ф-18-сонли фармойиши**, Вазирлар Маҳкамасининг 28 мартдаги **191-сонли қарорлари** ижроси ҳамда **битирувчилар бандлигини таъминлаш** бўйича олиб бораётган ишлар тўғрисида;

**3. Кичик бизнесни ривожлантириш, драйвер лойиҳаларни ишга тушириш** ҳамда **кичик ва ёшлар саноат зоналари** масалалари бўйича берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида;

**4. Қайта тикланувчи энергия манбааларини жорий этиш, чиқиндиларни олиб кетиш бўйича санитар тозалаш ташкилотлари билан шартномалар тузиш** масалалари бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида;

**5. Электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва иссиқ сув истеъмолидан ҳосил бўлган коммунал қарздорликларни ундириш** борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

**6. Бошқа масалалар** (Тиббиётда ва таълимда долзарб 90 кунлик, бетонлаштириш, беккар қудуқларини ташкил қилиш, бюджет тушумлари, муаммоли кредитлар).

---

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, Л.Хайруллаев, А.Муллажонов, Н.Сафоев, З.Азимов, М.Нормаматов, А.Ҳалимов, Д.Эргашев, Н.Рахманов, В.Адизов, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Елмуратов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомига риоя қилиш, вилоят ҳокимлигининг олдинги ўтказилган аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилиб, ижроси назоратга олинди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига июнь ойида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини тизим ташкилотлари билан танқидий таҳлилдан ўтказиб, июнь ойининг 25 санасига қадар топшириқларни назоратдан ечиш бўйича қатъий чораларни кўриш белгиланди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда котибият мудирларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси (Магруппов) томонидан берилаётган барча топшириқларни шахсан назоратга олиб, белгиланган муддатидан олдин ижросини таъминлаш чораларини кўриш алоҳида қайд этиб ўтилди.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га бир кун муддатда Қизилтепа тумани “Шейхон” МФЙга бириктирилган Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Фаттоев томонидан ўзи бириктирилган маҳалладаги камбағал оилалардаги 8 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланганлиги ҳолатига аниқлик киритиш ҳамда уч кун муддатда 2025 йил 27 майда ўтказилган аппарат йиғилиши баёнининг 34-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Зарафшон шаҳридаги бўш турган маъмурий бино, Навбаҳор туманидаги “Салим Султон” сув йиғиш ва сув тарқатиш иншооти ҳамда Хатирчи туманидаги маъмурий бинолар таъқиқдан ечилмаса, тегишли масъулларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклиф киритиш топшириғи берилди.

Йиғилиш кун тартибида, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан қисқартириш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов) ва Хатирчи тумани ҳокими (Адизов)га Хатирчи туманидан вилоят ҳокимлигига иш сўраб мурожаат қилган 6 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлаб, натижаси бўйича ахборот бериш вазифаси топширилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларига ҳудудларга бириктирилган масъуллар, тижорат банклари ва иқтисодий комплекс ташкилотлари билан биргаликда оғир ва ишсизлик юқори бўлган 11 та маҳаллаларга шахсан бориб, ушбу маҳаллаларни “ишсизликдан ҳоли маҳалла”га айлантириши ҳамда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги асословчи ҳужжатларни бир ҳафта муддатда вилоят Штабига тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев)га Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (Ражабов) ҳамда вилоят прокуратурасининг масъул ходими билан биргаликда Зарафшон шаҳрига бориб, 22 нафар янги аниқланган камбағал оилаларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига хулоса бериши ҳамда вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га ушбу хулосадан келиб чиқиб, 22 нафар янги камбағал оилаларнинг ҳақиқатда мавжудлиги исботланиб, бундай ҳолатга Зарафшон шаҳар ҳокимлиги эътиборсизлик билан қараган бўлса, Зарафшон шаҳар ҳокими Н.Раҳмановга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда навбатдаги интизомий жазо чораси қўллаш бўйича фармойиш лойиҳасини киритиши бўйича вазифалар белгиланди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Мамадиярова)га вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (Ражабов), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вилоятдаги онкологик, онкогематологик касалликларга чалинган беморлар оилаларини хатловдан ўтказиш, уларни камбағаллик рўйхатига киритиш ва оилавий шароитини яхшилаш бўйича таклифлар киритиши алоҳида қайд этиб ўтилди.

Навоий шаҳар ва Кармана тумани ҳокимларига жорий йилнинг 7 июнига қадар ўз ҳудудларидаги меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда натижаси бўйича шахсан вилоят ҳокимига ахборот бериши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда, кичик бизнесни ривожлантириш, драйвер лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда кичик ва ёшлар саноат зоналари масалалари муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, Навоий шаҳар ва Кармана тумани ҳокимларининг фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини тиклаш, кўчиб кетганларини қайтариш, ҳисоботларда 1 нафар ишчи кўрсатганларни легаллаштириш масалалари бўйича олиб борган ишлари тўғрисида кейинги аппарат йиғилишида ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га ҳисоботларда 1 нафардан ишчи кўрсатган корхоналарда ишловчиларни легаллаштириш бўйича режа-график ишлаб чиқиб, ижросини назоратга олиш, туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари томонидан фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини тиклаш, 1 нафардан ишчи кўрсатган корхоналарда ишловчиларни легаллаштириш масалалари бўйича олиб бораётган ишларини ҳар ҳафтада танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб, ушбу масалалар бўйича жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунига қадар кескин ўзгариш қилиш топширилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси (Муллажонов)дан алоҳида ишчи гуруҳи тузиб, улар томонидан вилоятдаги кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, лойиҳаларни амалга ошириш, муаммоларни бартараф этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига амалий ёрдам бериш сўралди ҳамда вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида туман (шаҳар) ҳокимларининг кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги нечта тадбиркорлар билан учрашгани, қанча муаммо ҳал этилганлиги ва келгусидаги режалари тўғрисида ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, йиғилишда энергия ресурсларини тежаш ва қуёш панелларини ўрнатиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси кўриб чиқилди ҳамда қуёш панелларини ўрнатиш режаси бугунги кунга қадар бор йўғи 18,4 МВтга (33,3 *фоиз*) бажарилганлиги кўрсатиб ўтилиб, Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Хатирчи туманлари ҳокимликларига ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига, Навоий шаҳар, Қизилтепа, Учқудуқ, Хатирчи Кармана туманлари ҳокимликлари тадбиркорлик субъектларига, Ғозғон шаҳри ва Томди, Хатирчи туманлари ҳокимликлари аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш ишларини жадаллаштириб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот бериш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, коммунал тўловлардан ҳамда ичимлик суви ва иссиқлик таъминотидан ҳосил бўлган қарздорликларни ундирилиш масаласи муҳокама қилиниб, масъуллар томонидан қарздорликларни ундириш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 июн ҳолатига ичимлик сувидан қарздорлик 14 млрд.сўмни ташкил этиб, 5 млрд.сўм қарздорликни қисқартиришга эришилганлиги, бу кўрсаткич Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Кармана, Навбаҳор, Учқудуқ туманларида ҳамон юқорилигича сақланиб қолаётганлиги, қарздорликларни ундириш ишлари етарлича ташкил этилмаганлиги алоҳида қайд этилди.

“Иссиқлик манбаи” ДУК томонидан етказиб берилган маҳсулотлар (*иссиқ сув, иссиқлик энергияси хизматлари*)дан аҳоли истеъмолчилари

қарздорлиги 63,6 млрд.сўмни ташкил этиб, қарздорликларнинг асосий қисми узоқ муддатдан буён тўловларни амалга оширмаётган хонадонлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Электр энергиясидан ҳосил бўлган қарздорлик 1 июн ҳолатига келиб 29,4 млрд.сўмни ташкил этганлиги, хусусан Кармана туманида 14,0 млрд.сўм, Хатирчи туманида 5,0 млрд.сўм, Нурота ва Қизилтепа туманларида ҳамда Навоий шаҳрида қарздорлик 1,2 млрд.сўмни ташкил этганлиги таъкидланди.

Табиий газдан дебитор қарздорлик 2025 йил 1 июн ҳолатига келиб 23,2 млрд.сўмни ташкил этганлиги, бу эса Навоий шаҳарда 14,1 млрд.сўм, Зарафшон шаҳарда 1,5 млрд.сўм, Кармана туманида 4,4 млрд.сўм, Қизилтепа туманида 1,6 млрд.сўм, Навбаҳор туманида 518,5 млн.сўм қарздорликлар мавжудлиги танқид қилинди.

Кўрсатилган хизматлардан ҳосил бўлган қарздорликларни кескин қисқартириш масалалари бўйича доимий муҳокамалар қилиб борилаётган бўлсада, бу борада ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз эканлиги кескин танқид қилинди ҳамда масъулларга нисбатан эътирозлар билдирилиб, коммунал тўловлардан ҳосил бўлган қарздорликларни камайтириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда, Давлат Раҳбарининг жорий йил 7 майдаги тиббиёт ходимлари билан кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишида берилган топшириқлар ҳамда мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар ҳамда “Фавқулодда 90 кун” тадбири ижроси муҳокама қилиниб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан масъулларга топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, йиғилишда қишлоқ хўжалиги масалалари ҳам муҳокама қилиниб, туман ҳокимлари ва масъулларга ғалла ўрим мавсумида, ғалла ўрим комбайнларини бетўхтов ишлашини таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, навбатдаги масала сифатида муаммоли кредитларни ундириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими томонидан масъулларга нисбатан эътирозлар билдирилиб, муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш бўйича ишларни жаддалаштириш вазифалари юклатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифатли ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари **бир кун муддатда** июнь ойида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини тизим ташкилотлари билан танқидий таҳлилдан ўтказиб, **июнь ойининг 25 санасига қадар** топшириқларни назоратдан ечиш бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

**2.** Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, котибият мудирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси (**Магруппов**) томонидан берилаётган барча топшириқларни шахсан назоратга олиб, белгиланган муддатидан олдин ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

**3.** Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) **бир кун муддатда** жорий йилнинг 24 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси (Магруппов) ҳузурида ўтказилган йиғилишда (18-сонли баён) берилган топшириқлар ижроси бўйича тизим ташкилотлари ва туман ҳокимликлари (тегишлилиги бўйича) билан таҳлилий муҳокама ўтказиб, ижросини таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўрсин.

**4.** Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Қизилтепа тумани “Шейхон” МФЙга бириктирилган Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Фаттоев томонидан ўзи бириктирилган маҳалладаги камбағал оилалардаги 8 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланганлиги ҳолатига аниқлик киритиб, натижаси бўйича ахборот берсин.

**5.** Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**)нинг **икки кун муддатда** хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича истиқболсиз лойиҳалар ўрнига 98 млн доллардан кам бўлмаган янги лойиҳалар таклифи тармоқ жадвалини тасдиқлаган ҳолда киритилиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) ушбу масаланинг ижросини назоратга олиб, **уч кун муддатда** натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот берсин.

**6.** Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **уч кун муддатда** 2025 йил 27 майда ўтказилган аппарат йиғилиши баёнининг (28.05.2025 й, №11-01/59-сон) 34-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Зарафшон шаҳридаги бўш турган маъмурий бино, Навбаҳор туманидаги “Салим Султон” сув йиғиш ва сув тарқатиш иншооти ҳамда Хатирчи туманидаги маъмурий бинолар таъқиқдан ечилмаса, тегишли масъулларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклиф киритсин.

**7.** Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) **беш кун муддатда** Хатирчи туманидан вилоят ҳокимлигига иш сўраб мурожаат қилган 6 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлаб, натижаси бўйича ахборот берсин.

**8.** Туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилигида ҳудудларга бириктирилган масъуллар, тижорат банклари ва иқтисодий комплекс ташкилотлари билан биргаликда **бугуннинг ўзида оғир ва ишсизлик юқори бўлган 11 та маҳаллаларга шахсан бориб**, ушбу маҳаллаларни “ишсизликдан ҳоли маҳалла”га айлантириб, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги асословчи ҳужжатларни **бир ҳафта муддатда** вилоят Штабига тақдим этсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) **жорий ҳафтанинг охирида** мазкур топшириқнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича таҳлилий маълумот киритсин.

**9.** Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) вилоят прокуратурасининг масъул ходими билан биргаликда **бугуннинг ўзида** Зарафшон шаҳрига бориб, 22 нафар янги аниқланган камбағал оилаларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига хулоса берсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) ушбу хулосадан келиб чиқиб, 22 нафар янги камбағал оилаларнинг ҳақиқатда мавжудлиги исботланиб, бундай ҳолатга Зарафшон шаҳар ҳокимлиги эътиборсизлик билан қараган бўлса, Зарафшон шаҳар ҳокими Н.Раҳмановга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда навбатдаги интизомий жазо чораси қўллаш бўйича фармойиш лойиҳасини киритсин.

**10.** Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **уч кун муддатда** вилоятдаги онкологик, онкогематологик касалликларга чалинган беморлар оилаларини хатловдан ўтказиб, уларни камбағаллик рўйхатига киритиш, оилавий шароитини яхшилаш бўйича таклифларни киритсин.

**11.** Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг вилоят бошқармаси (**Азимов**), “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали (**Нормаматов**) **беш кун муддатда қуйида номлари келтирилган ўз тизимидаги камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар томонидан** камбағал оилаларда аниқланган муаммоларни бартараф этиб, асословчи ҳужжатларни вилоят Штабига тақдим этилишини ташкил қилсин:

Нурота тумани Тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг ўринбосари У.Юсупов, Томди тумани Тиббиёт бирлашмаси раҳбари А.Бўронов,

Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи У.Бобоқулов,

Кармана тумани Газ таъминоти корхонаси раҳбари А.Эрназаров, Нурота тумани газ таъминоти корхонаси раҳбари Д.Каримов.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) юқорида номлари келтирилган масъуллар томонидан олиб борилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритсин.

**12.** Вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси (**Ҳалимов**) **беш кун муддатда қуйида номлари келтирилган ўз тизимидаги камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар томонидан** камбағал оилаларда аниқланган муаммоларни бартараф этиб, асословчи ҳужжатларни вилоят Штабига тақдим этилишини ташкил қилмаса, А.Ҳалимовга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

Кармана тумани Автойўл бўлими бошлиғи О.Рамазонов;

Конимех тумани Автойўл бўлими бошлиғи О.Хошимов;

Хатирчи тумани Автойўл бўлими бошлиғи М.Фозилов.

Назорати - **Э.Авезов, Л.Хайруллаевга.**

**13.** Навоий шаҳар (**Эргашев**) ва Кармана тумани (**Адизов**) ҳокимлари **жорий йилнинг 7 июнига қадар** ўз худудларидаги меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар билан учрашиб, уларнинг бандлигини таъминлаш чоратадбирларини кўрсин ҳамда натижаси бўйича шахсан вилоят ҳокимига ахборот берсин.

**14.** Туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳаллаларга бириктирилган масъуллар билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимлигига иш сўраб келган фуқароларнинг мурожаатини ижобий ҳал этиш чораларини кўрсин.

**15.** Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **беш кун муддатда** оғир маҳаллалардаги

суғориш тизимини яхшилаш учун ташкил қилинган қудуқларни маҳалла балансига қабул қилиб, алоҳида ҳисоб рақам очилишини ташкиллаштирсин.

Назорати - **Р.Сулаймоновга**.

**16.** Туман (шаҳар) ҳокимлари, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**):

ҳудудлардаги корхона ва ташкилотларни ҳар бир касбий таълим муассасасига бириктириб **Дуал таълим** асосида касбга йўналтириш ишларини жадаллаштирсин;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда ишга жойлашиш истагини билдирган битирувчиларни драйвер завод-фабрикалар ҳамда ишлаб чиқариш зоналарига саёҳатлар уюштирсин;

маҳаллаларда бириктирилган раҳбарлар **беш кун муддатда** ўзларига бириктирилган хонадонлардаги мактаб, техникум ва олий таълим битирувчи ёшлар билан учрашиб, бандлик масаласини аниқ белгилаб олсин ва бандлигини таъминлаш чоралари кўрсин.

**17.** ТИФ “Миллийбанк” Навоий филиали (**Амонов**) олий таълим муассасалари билан биргаликда битирувчилар ўртасида тарғибот ишларини кучайтирсин ҳамда уларга тайёр лойиҳаларни тақдим этиб, тадбиркорликка кўмаклашишини йўлга қўйсин.

**18.** Вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилишида** Навоий шаҳар (**Эргашев**) ва Кармана тумани (**Адизов**) ҳокимларининг фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини тиклаш, кўчиб кетганларини қайтариш, ҳисоботларда 1 нафар ишчи кўрсатганларни легаллаштириш масалалари бўйича олиб борган ишлари тўғрисида **ҳисоботлари эшитилиши** белгилаб қўйилсин.

**19.** Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**):

**икки кун муддатда** ҳисоботларда 1 нафардан ишчи кўрсатган корхоналарда ишловчиларни легаллаштириш бўйича режа-график ишлаб чиқиб, ижросини назоратга олсин;

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари томонидан фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини тиклаш ҳамда 1 нафардан ишчи кўрсатган корхоналарда ишловчиларни легаллаштириш масалалари бўйича олиб бораётган ишларини **ҳар ҳафтада** танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб, ушбу масалалар бўйича **жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунига қадар** кескин ўзгариш қилинишини ташкил қилсин;

“Зарбдор тажрибаси” асосида саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида амалга оширилаётган “драйвер” лойиҳаларни

**ҳар уч кунда** муҳокама қилиб, лойиҳаларни **жорий йилнинг 1 августига қадар** ишга тушириш бўйича барча зарурий чора-тадбирларни кўриб борсин.

**20.** Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**)дан алоҳида ишчи уруҳи тузиб, улар томонидан вилоятдаги кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, лойиҳаларни амалга ошириш, муаммоларни бартараф этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига амалий ёрдам бериш сўралсин.

**21.** Вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилишида** туман (шаҳар) ҳокимларининг кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги нечта тадбиркорлар билан учрашгани, қанча муаммо ҳал этилганлиги ва келгусидаги режалари тўғрисида **ҳисоботлари эшитилиши** белгилаб қўйилсин.

“Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича ягона дирекцияси” ДМ (**Матлабов**) ушбу топшириқнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича маълумотни вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритсин.

Назорати - **Э.Ғаффоровга**.

**22.** Вилоятда қуёш панелларини ўрнатиш бўйича ишлаб чиқилган режа-график ижросини таъминлаш мақсадида:

Кармана (**Аизов**), Конимех (**Рўзиев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Ўроқов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимликлари ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига;

Навоий шаҳри (**Эргашев**) ва Қизилтепа (**Бобомуродов**), Хатирчи (**Адизов**), Кармана (**Адизов**), Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳокимликлари тадбиркорлик субъектларига;

Ғозғон шаҳри (**Жўраев**) ва Томди (**Умаров**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимликлари аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш ишларини жадаллаштириб, **кунлик сўров ва муҳокама** қилиб борсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижаси бўйича **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимлигига ахборот бериб борсин.

**23.** “Ўзэнергоинспекция”нинг вилоят бошқармаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали ва бошқа тегишли масъуллар ҳозирга қадар ўрнатилган қуёш панелларидан фойдаланиш ҳолатларини (ишлаётган ёки ишламаётган) ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига доимий ҳисобот киритиб борсин.

**24. Шаҳар ва туман ҳокимлари:**

ҳудудларда қуёш панелларини ўрнатиш ишлари кескин жонлантирилсин. Бунда айниқса корхона ва ташкилотларда ўрнатилган қуёш панелларнинг ишчи ҳолати алоҳида назоратга олинсин;

қуёш панеллари ўрнатиш истагини билдирган аҳоли хонадонлари ва тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратилишида тижорат банклари билан яқиндан ҳамкорлик қилинсин;

кенг жамоатчилик ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларининг иқтисодий самарасига оид тарғибот тадбирлари доимий равишда ўтказиб борилсин.

**25.** Вилоят Божхона бошқармаси (**Дўстёров**) қуёш панеллари бўйича тўғри ва ҳаққоний маълумотлар “Яшил энергия” тизими орқали тасдиқлаб борилиши таъминлансин ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафтада** вилоят ҳокимлигига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

**26.** Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**)дан ҳудудларда қуёш панеллари ўрнатиш бўйича режа-топшириқнинг бажарилишини назоратга олиш сўралсин.

**27.** “Навоий сув таъминоти” МЧЖ (**Зарипов**), “Иссиқлик манбаи” ДУК (**Элов**) **икки кун муддатда** вилоятдаги йирик корхоналар ва бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг ичимлик ва иссиқ сувдан қарздорлиги тўғрисидаги маълумотни (номма-ном) ушбу ташкилотлар раҳбарларига тақдим этилишини таъминласин.

**28.** “Навоий Кон-металлургия комбинати” АЖ (**Тапаров**), “Навоийуран” ДМ (**Файзуллаев**), “Навоийазот” АЖ (**Самадов**), “Навоий Кон-металлургия комбинати жамғармаси” ДМ (**Очилов**) ўз корхоналарида ишловчи ходимларнинг хонадонларида истеъмол қилинган ичимлик суви ва иссиқ сувдан ҳосил бўлган дебитор қарздорлигини ундирилишида амалий ёрдам кўрсатиб, амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб борсин.

**29.** Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) бюджет ташкилотлари ва уларда ишловчи ходимларнинг “Навоий сув таъминоти” МЧЖ, “Иссиқлик манбаи” ДУК, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали ва “Ҳудудгаз Навоий” газ таъминоти филиали томонидан етказиб берилган ичимлик суви, иссиқ сув, табиий газ ва электр энергиясидан ҳосил бўлган дебитор қарздорликларини тўлаб берилишини ташкил қилиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига маълумот киритиб борсин.

**30.** Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**) шаҳарлари, Учқудуқ (**Елмуратов**) ва Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳокимликларининг етказиб берилган иссиқ сувдан ҳосил бўлган дебитор қарздорликни камайтириш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги учун қарздорлик ошиб кетганлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

Ушбу ҳудудлар ҳокимлари иссиқ сувдан ҳосил бўлган қарздорликни кескин камайтириш бўйича масаланинг ичига кириб шахсан шуғуллансин, бу борадаги ишларни ҳар ҳафтада танқидий муҳокама қилиб, барча зарурий чора-тадбирларни кўриб борсин.

Вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишларида мазкур топшириқнинг ижроси бўйича юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ҳокимларининг ҳисоботлари эшитиб борилиши белгилаб қўйилсин.

**31.** Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), туман (шаҳар) ҳокимлари:

“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” дастури бўйича ўтказилган хатлов натижасида аниқланган ишларни амалга оширилиши учун талаб этиладиган маблағларни ажратиш ва самарали ишлатилишини назорат қилсин;

ҳар бир штаб аъзолари берилган топшириқлар юзасидан кунлик маълумотларни **соат 16-00 га қадар** вилоят штабига киритиб борилишини таъминласин.

**32.** Туман, шаҳар ҳокимлари **бир кун муддатда** “Таълимда фавқулодда 90 кун” тадбирларини юқори савияда ташкил этилишини назорат қилиб борадиган штаб ташкил қилсин.

**33.** Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**), Рақамли технологиялар шўъбаси (**Буронов**), Кармана туман ҳокими (**Адизов**) **уч кун муддатда** Кармана туманидаги 2-сонли мактабда “Олмазор туман тажрибаси” асосида муҳандислик лабораторияси (робототехника) ва инклюзив таълим синфларини тўсиқсиз муҳит талаблари асосида намуна бўйича тайёрласин.

**34.** Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Навоий давлат университети (**Калонов**), вилоят Педагогик маҳорат маркази (**Мардонов**), туман (шаҳар) ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** “Фавқулодда 90 кун” тадбирлари доирасида таълим сифати юқори бўлмаган қизил тоифадаги 18 та (*Конимех туманидаги 17-, 20-, 34- ва 35-сонли, Нурота туманидаги 16-, 25-, 28-, 39-сонли, Хатирчи туманидаги 62-, 68-, 76- ва 80-сонли, Учқудуқ туманидаги 1-, 8-, 14-, 16- ва 19-сонли, Томди туманидаги 14-сонли*) умумий ўрта таълим мактабларини бешта баҳолаш меъзони асосида қайта баҳолаб, яшил тоифадаги мактаблар қаторига олиб чиқиш бўйича ҳар бир мактаб кесимида **алоҳида Дастур** ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

35. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Баҳромов**), Касаба уюшмалари федерациясининг вилоят кенгаши (**Тоғаева**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят Транспорт бошқармаси (**Рахимов**) “Фавқулодда 90 кун” тадбирлари доирасида ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш оромгоҳларига бориб келиши ва дам олдириш ишларини ташкиллаштирсин.

36. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъуллар билан биргаликда ёзги таътил кунларида ўқувчиларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш юзасидан “**Фавқулодда 90 кун**” тадбирларини **Чора-тадбирлар режаси** асосида ташкил қилиб, ўтказилишини таъминласин.

37. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**) ғалла ўрим мавсумида комбайнларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш ҳамда зарур бўлган эҳтиёт қисмлар захирасини яратиш чораларини кўрсин.

38. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), вилоят Транспорт бошқармаси (**Рахимов**) туман ҳокимлари билан биргаликда ғалла ўрим мавсумида ғалла ўрим комбайнларини бетўхтов ишлашини таъминлаш, дон ташишда тўхталишлар бўлишини олдини олиш мақсадида, юк ташиш автомобиллари билан доимий таъминлаш чораларини кўрсин.

39. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), Кармана (**Адизов**), Конимех (**Рўзиев**), Навбаҳор (**Ўроқов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** барча фермер хўжаликларида режалаштирилган ички суғориш тармоқларни бетонлаштириш ишларини якунлаш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича ҳар бир туман кесимида таҳлил қилиб, вилоят ҳокимлигига **ҳар ҳафта якуни билан** ахборот киритиб борсин.

Назорати - **С.Ҳикматовга**.

40. Туман ва шаҳар ҳокимликлари Беккар қудуқлари учун белгиланган тартибда ер участкаларини ажратиш чораларини кўриб, махсус лойиҳалар бўйича қуриш ишларини бошласин ҳамда мавжуд Беккар қудуқларини капитал таъмирлаш ва атрофини девор билан ўраш чораларини кўрсин.

Вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**) амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ой якуни билан** вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

**41.** Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот (муассаса)лар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда тарғибот–ташвиқот ишларини амалга оширган ҳолда фуқароларнинг ҳамда корхона (ташкилот)ларда ишловчи ишчи-ҳодимларнинг жорий 2025 йил учун ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан мавжуд қарздорликларини тўлиқ ундириш чораларини кўрсин.

**42.** Вилоятдаги йирик корхоналар (“Навоий Кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ) нотурар-жой ва бошқа солиқ олдидаги қарздорликларни бартараф қилиш бўйича ўз тизимида ишловчи ходимлари ўртасида тарғибот ишларини ўтказиб, қарздорликларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

**43. Шаҳар ва туман ҳокимлари** иқтисодий комплекс раҳбарлари, маҳаллалардаги “ҳоким ёрдамчилари” билан биргаликда муаммоли кредитларни маҳаллалар кесимида сўндирилишини шахсан ўзи бошчилигида шуғулланиб, натижаси бўйича **ҳар ҳафтада** вилоят ҳокимиغا ёзма ҳисобот киритиб борсин.

**44.** Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**), тижорат банклари ва туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда муаммоли кредитларни сўндириш юзасидан **ҳар уч кунда** муҳокамалар ташкил этсин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимиغا ҳисобот бериб борсин.

**45.** Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

**Баёнлаштирди**



**Ф.Эшбоев**